

**ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА
ПЕДАГОГИК ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИНИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИАТИ.**



Навоий давлат педагогика институти Ўзбекистон
Бобониёзова Розия Мирсалим қизи
roziyaboboniyozova93@gmail.com
(+998-93-667-60-68)

Аннотация. Бадиий таълим замонавий шароитда яхлит педагогик жараён, унинг алоҳида таркибий қисмлари, педагогик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқликда “методика” ва “технология” тушунчалари кўп қўлланилади. Ҳатто, мазкур тушунчалар моҳиятини тавсифлашда ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, педагогик соҳада фаолият юритувчи шахслар ўртасида ҳам кўпгина тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш орқали мазкур тушунчаларнинг аниқ таърифини шакллантириш мумкин.

Калит Сўзлар: Тасвирий санъат, таълим технологиялари, электрон дарсликлар, мултимедиа, педагогика, рақамли таълим, ижодкорлик, тасвирий санъат, интерфаол таълим.

Умумий маънода “методика” тушунчаси маълум бир ишни бажариш учун зарур бўладиган метод ва усуллар йиғиндиси дир. Кўпгина изоҳли луғатларда ҳам “Методика – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни ифода этиши кўрсатиб ўтилган.

“Методика” тушунчасига берилган хилма-хил таърифларга таянган ҳолда қуйидаги умумлашмаларга келиш мумкин:

1) методика – бу ўқитувчи ишини ташкил этишининг шакл, метод ва воситалари;

2) маълум бир фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган метод ва усуллар йиғиндисиди;

3) билим, кўникма ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш, режали ва тизимли амалга оширишга ёрдам берувчи усуллар йиғиндисиди.

“Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғлиқликда қўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йиғиндисини ўзида ифода этади. Педагог олим А.М.Столяренконинг фикрича, “Ўқув фанларини ўқитиш методикаси методика маълум бир педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ метод, методик усуллар, восита ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир”. Г.М.Коджаспирова, А.Ю.Коджаспировларнинг фикрича, “Ўқитиш методикаси педагогик фаолиятни амалга оширишнинг аниқ усуллари, услублари ва техникасидир”.

Креативлик (лот., инг. “креате” – яратиш, “кreative” – яратувчи, ижодкор) – индивиднинг янги ғояларни ишлаб чиқаришга тайёрликни тавсифловчи ва мустақил омил сифатида иқтидорлиликнинг таркибига кирувчи ижодий қобилияти. Шахснинг креативлиги унинг тафаккурида, мулоқотида, ҳис-туйғулариди, муайян фаолият турларида намоён бўлади. Креативлик шахсни яхлит ҳолда ёки унинг муайян хусусиятларини тавсифлайди ва иқтидорнинг муҳим омили сифатида ҳам акс этади.¹

Ўқитиш методикасига қўйиладиган зарурий талабларга қуйидагилар киради:

- 1) ҳаёт билан уйғунлик;
- 2) қайта ишлаб чиқишга йўналганлик;
- 3) аниқлик;
- 4) режалаштирилган ҳаракат мақсад ва вазифаларига мослик;
- 5) асосланганлик;
- 6) натижавийлик.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, ўқитиш методикаси ўзида:

- таълимнинг мақсад ва вазифаларини – таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий;

¹ Pedagogik kompetentlik va kreativlik asoslari /N.Muslimov, M.Usmonboeva, D.Sayfurov, A.To'raev. – Т.: TDPU, 2015. – 72-73-б.

- таълимнинг қонуният ва тамойилларини;
- таълим мазмунини;
- таълимни ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шаклларини;
- таълимнинг умумий ва хусусий методларини;
- ўқув воситалари;
- ўқитиш натижасини ақс эттиради.

Ана шу асосдан келиб чиққан ҳолда, куйида ўқитиш методикаси моҳиятини ёритиб берувчи асосий тушунчаларга изоҳ бериб ўтамиз:

1) *ўргатиш* – ўқитиш мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти;

2) *ўрганиш* – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида ҳулқ-атвор ва фаолиятнинг янги шаклларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради;

3) *ўқитиш* – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан ўқувчиларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати;

4) *таълим*– ўқитиш жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими;

5) *билим* – маълум бир фанни назарий ўзлаштиришни ақс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси;

6) *кўникма* – эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усуллари эгаллаш;

7) *малака* – автоматлашган, бирор бир усул билан беҳато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси;

8) *мақсад*– ўқитишнинг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши;

9) *мазмун* –ўқитиш жаараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими;

10) *ташкил этиш* – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён;

11) *шакл* – ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобик;

12) *метод* – ўқитишнинг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли;

13) *восита* – ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан фойдаланиладиган объект;

14) *натижа*– ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юнонча сўз бўлиб, “techne” – маҳорат, санъат ва “logos” – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси – (инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона ғоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (Ў.Қ.Толипов).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

Хулосалар:

“Методика” ва “технология” тушунчалари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, мазкур тушунчалар ўзаро алоқадорлик ва умумийликка эга бўлиши билан бирга айрим ўзига хосликлар билан ҳам тавсифланади.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, таълим технологияси ўқитиш методикаси асосида қурилиб, унинг қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситаларига асосланган ҳолда, кутиладиган натижаларга асосланган ҳолда ўқитиш жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида-алоҳида лойиҳалаш, лойиҳага мувофиқ ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини аниқ белгиланган кетма-кетликда амалга оширишнинг самарали техникасидир.

Адабиётлар.

1. Boboniyozova, Roziya, and Ozoda Misirova. "AKVAREL BO 'YOG 'I YORDAMIDA RANGTASVIR ISHLARINI BAJARISHDA QO 'LLANILADIGAN USULLAR." INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE on the topic: "Priority areas for ensuring the continuity of fine art education: problems and solutions". Vol. 1. No. 01. 2023.
2. Розия Б. ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ СТАНДАРТ ПРЕПОДАВАНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В ОБЩИХ СРЕДНИХ ШКОЛАХ (НА ПРИМЕРЕ УЧАЩИХСЯ 5-7 КЛАССОВ)

- //Евразийский социальный журнал науки, философии и культуры. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 302-306.
3. Тоғаев, К. Х., & Рамозонова, Ф. Б. (2023). РАНГТАСВИРДА РАНГ МУНОСАБАТЛАРИ ХАМДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *TADQIQOTLAR*, 27(2), 85-89.
 4. Sobirovna, A. R., & Khamidovich, T. K. (2023). THE ELECTROMAGNETIC EFFECT. *XALQARO ANIQ FANLAR TAHLILI*, 1(2), 47-50.
 5. Тоғаев, К. Х. (2023). ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Oriental Art and Culture*, 4(3), 393-398.
 6. Tog'ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN'AT VA UNING MONIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
Келдиёр Хамидович Тоғаев ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ // *Oriental Art and Culture*. 2023. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-sanatdagi-manzara-kompozitsiyasi-zhanriga-oid-asarlari-insonda-tabiatga-va-guzallik-fazilatlarini-shakllantirish> (дата обращения)
 8. Keldiyor Xamidovich Tog'ayev TASVIRIY SAN'AT MASHG'ULOTLARINI TABIAT QO'YNIDA TASHKIL TISHNING AFZALLIKLARI JIHATDAN PUXTA BILIM OLISHIGA ERISHISH VA O'QUVCHILARNING IJODKORLIK FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH OMILLARIGA E'TIBOR QARATISH // *Oriental Art and Culture*. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tasviriy-san-at-mashg-ulotlarini-tabiat-qo-ynida-tashkil-tishning-afzalliklari-jihatdan-puxta-bilim-olishiga-erishish-va-o> (дата обращения: 22.09.2023).
 9. Dilmurod Xolmamatovich Axmedov XORIJIY TAJRIBALARDAN TASVIRIY SAN'AT TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISHNING IJTIMOIIY PEDAGOGIK TARIXI VA ASOSLARI // *Oriental Art and Culture*. 2022. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/xorijiy-tajribalardan-tasviriy-san-at-tizimini-takomillashtirishning-ijtimoiy-pedagogik-tarixi-va-asoslari> (дата обращения: 22.09.2023).
 10. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
 11. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO

- STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 9. – №. 12. – С. 234-237.
12. Tog‘ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN‘AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
13. Bobonazarov S. KOMPOZITSIYA MASHG ‘ULOTLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUHIM EKANLIGI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. B6. – С. 11-14.
14. Bobonazarov S. U., Jalolov S. C. Etnomadiy Fenomenon Sifatida Nuza San'atlari //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR) [https://www. tarj. in](https://www.tarj.in).
15. Soli Tolibovich Sadiyev O‘RTA ASRLAR SHARQ MINIATYURA MAKTABLARINING METODLARI // SAI. 2022. №C2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/o-rta-asrlar-sharq-miniattyura-maktablarining-metodlari> (дата обращения: 26.10.2023).
16. Choriyevich J. S. The role of composition in increasing the spatial imagination of students and students //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ARTS AND DESIGN. – 2021. – Т. 2. – №. 11. – С. 15-17.
17. Choriyevich J. S. TASVIRIY SANATDA RANG VA YORUGLIKLARNING ORNI //Science and innovation. – 2022. – Т. 1. – №. C2. – С. 113-116.
18. Jalolov S. METHODOLOGY OF PROFESSIONAL TRAINING OF ARTS TEACHERS //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. B5. – С. 37-39.
19. Kulmuratov N. R. et al. VARIOUS ISSUES IN THE FIELD OF SETTING NONSTATIONARY DYNAMIC PROBLEMS AND ANALYZING THE WAVE STRESS STATE OF DEFORMABLE MEDIA //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 9. – С. 365-369.
20. Абдуллаев Акбар Хикматович НРАВСТВЕННОЕ И ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ УЧЕНИКОВ ЧЕРЕЗ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОЕ ИСКУССТВО // Academy. 2021. №4 (67). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nravstvennoe-i-esteticheskoe-vozpitanie-uchenikov-cherez-izobrazitelnoe-iskusstvo> (дата обращения: 02.11.2023).
21. Абдуллаев А. Х. ЎЗБЕКИСТОНДА ЧИЗМАЧИЛИК ВА ЧИЗМА ГЕОМЕТРИЯ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ //ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ. – 2022. – Т. 5. – №. 3.
22. Аслонов Ф. Б. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширишнинг педогогик-психологик хусусиятлари //Муғаллим ҳам узликсиз билимлендириў Илимий-методикалык журнал. – 2021. – №. 5.
23. Usmonovna A. Z. THE USE OF CLASSIC STYLES IN MODERN FASHION //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. A4. – С. 263-264.
24. Usmonovna, A. Z. (2023). THE USE OF CLASSIC STYLES IN MODERN FASHION. *Science and innovation*, 2(A4), 263-264.

25. Amonova Z. U., Vosiyeva A. T. MODELIER DIZAYNERLAR CHIZADIGAN INSON QOMATIDA LIBOSLARGA RANGNING BOSQICHMA-BOSQICH BERILISHI USULLARI //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 6. – C. 178-182.
26. Amonova, Z. U., & Vosiyeva, A. T. X. (2022). MODELIER DIZAYNERLAR CHIZADIGAN INSON QOMATIDA LIBOSLARGA RANGNING BOSQICHMA-BOSQICH BERILISHI USULLARI. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 178-182.
27. Xamidova G. X. MUHANDISLIK GRAFIKASI VA CHIZMA GEOMETRIYA FANLARIDAGI ONA TILI QOIDALARIGA XILOF, NOTO ‘G ‘RI VA NOANIQ BAYON QILINAYOTGAN TERMINLAR VA ULARNING OLDINI OLISH //Journal of Integrated Education and Research. – 2022. – T. 1. – №. 6. – C. 203-207.
28. Xamidova, G. X. (2022). MUHANDISLIK GRAFIKASI VA CHIZMA GEOMETRIYA FANLARIDAGI ONA TILI QOIDALARIGA XILOF, NOTO ‘G ‘RI VA NOANIQ BAYON QILINAYOTGAN TERMINLAR VA ULARNING OLDINI OLISH. *Journal of Integrated Education and Research*, 1(6), 203-207.
29. Xamidova G. X. CHIZMACHILIK FANINI O‘QITISH METODIKASINI TAKOMILLASHTIRISH: Gulmira Xamidovna Xamidova, Navoiy davlat pedagogika instituti San’atshunoslik fakul’teti, Tasviriysanatvamuhandislikgrafikasikafedrasioqituvchi //Научно-практическая конференция. – 2022.
30. Vosiyeva A. USE OF TRANSFORMATION IN THE DIRECTION OF DESIGN AND ITS IMPORTANCE //Science and innovation. – 2023. – T. 2. – №. A4. – C. 31-33.
31. Vosiyeva, A. (2023). USE OF TRANSFORMATION IN THE DIRECTION OF DESIGN AND ITS IMPORTANCE. *Science and innovation*, 2(A4), 31-33.
32. Tog'aeV Keldiyor Xamidovich , Rōzimurodova Sevinch G'ayratjon qizi , [BOSHLANG‘ICH SINIF TASVIRIY SAN‘AT DARSLARIDA BORLIQNI IDROK ETISH MASHG‘ULOTLARINING AHAMIYATI VA «TASVIRIY SAN‘AT FANINI O‘QITISH METODLARI»](#) , [TADQIQOTLAR: Vol. 27 No. 3 \(2023\): "TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnali | 27-son | 3-qism"](#)
33. Tog'aeV Keldiyor Xamidovich , Normurodova Hilola Asadjon qizi , [TASVIRIY SAN‘AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI SAN‘ATNING TARBIYAVIY AHAMIYATINI TALABALARGA AMALIY TADBIQ ETISH.](#) , [TADQIQOTLAR: Vol. 27 No. 2 \(2023\): "TADQIQOTLAR jahon ilmiy-metodik jurnali | 27-son | 2-qism"](#)

34. Shovdirov, S. BB Boymetov Methods of Organizing Practical and Theoretical Classes for Students in The Process of Teaching Fine Arts International Journal on Integrated Education.
35. Niyazovish G. I. WAYS OF USE OF MODERN INNOVATIVE TECHNOLOGIES IN FINE ARTS CLASSES AND THROUGH THE IMPROVEMENT OF IDEAS OF NATIONAL INDEPENDENCE TO STUDENTS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 9. – №. 12. – С. 234-237.
36. Tog‘ayev, Keldiyor Xamidovich. "TASVIRIY SAN‘AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI." *Innovative Development in Educational Activities* 1.6 (2022): 44-50.
37. Bobonazarov S. KOMPOZITSIYA MASHG ‘ULOTLARIDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING MUHIM EKANLIGI //Science and innovation. – 2022. – T. 1. – №. B6. – С. 11-14.
38. Tog‘ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN‘AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.
39. Niyozovich G. I. et al. IQTISOSLASHGAN MADANIYAT MAKTABLARIDA TASVIRIY SAN‘AT MASHG ‘ULOTLARIDA MANZARA JANIRINI O‘QITISHNING NAZARIY ASOSLARI //Research and Publication. – 2023. – T. 1. – №. 1. – С. 4-9.
40. Розия, Бобониезова. «ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫЙ СТАНДАРТ ПРЕПОДАВАНИЯ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА В ОБЩИХ СРЕДНИХ ШКОЛАХ (НА ПРИМЕРЕ УЧАЩИХСЯ 5-7 КЛАССОВ)». *Евразийский журнал социальных наук, философии и культуры* 2.2 (2022): 302-306.
41. Тоғаев, К. Х., & Рамозонова, Ф. Б. (2023). РАНГТАСВИРДА РАНГ МУНОСАБАТЛАРИ ХАМДА ИШЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ. *TADQIQOTLAR*, 27(2), 85-89.
42. Sobirovna, A. R., & Khamidovich, T. K. (2023). THE ELECTROMAGNETIC EFFECT. *XALQARO ANIQ FANLAR TAHLILI*, 1(2), 47-50. Тоғаев, К. Х. (2023). ТАСВИРИЙ САНЪАТДАГИ МАНЗАРА КОМПОЗИЦИЯСИ ЖАНРИГА ОИД АСАРЛАРИ ИНСОНДА ТАБИАТГА ВА ГУЗАЛЛИК ФАЗИЛАТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ. *Oriental Art and Culture*, 4(3), 393-398.
43. Tog‘ayev, K. X. (2022). TASVIRIY SAN‘AT VA UNING MOHIYATI, TUR VA JANRLARI. *Innovative Development in Educational Activities*, 1(6), 44-50.